

АНАХРОНИЗМ — маълум бир даврга мансуб нарсa, урф-одат, воқеа-ходисаларни бошқа замонни тасвирловчи асарга киритиш. Анахронизм икки хил бўлади: агар тасвирланаётган объект замони тасодифан ўзгартирилса, нейтрал анахронизм; агар ижодкор томонидан муайян гоъвий-бадиий максадда, атайин бошқа даврга ўтказилган бўлса, зарурий анахронизм дейилади.

Нейтрал анахронизм ижодкорнинг тарихий воқеа ва далилларни яхши ўрганмаганлиги боис содир бўлади.

Зарурий анахронизмнинг ёркин намунаси Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонининг сўнгги — 88-бобида мавжуд. Бобда буюк шоир «Хамса»ни ёзиб тугатганлигини фахр билан таъкидлаб, устози Абдурахмон Жомий хузурига боргани ва у ерда Низомий, Хисрав Дехлавий, Фирдавсий, Унсурий, Санойи, Хоконий Анварий, Саъдий, Хофиз сингари сўз усталари билан учрашади. Навоийни кўришлари билан хамма ўринларидан туришади ва Низомий ёнидан жой берадилар. Ушбу эпизодда турли давр ва турли ўлкаларда яшаган машхур шарк шоирлари бир замон ва маконда акс эттирилган. Бу оркали Алишер Навоий ўз Хамсаси билан Шаркнинг йирик сўз санъаткорлари каторидан ўрин олганлигини ифтихор билан таъкидлайди.